ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, оилаларни мустаҳкамлаш ва ижтимоий муҳитни соғломлаштириш

“Аёлларнинг, хусусан, қиз боланинг ўқиб, олий маълумотли бўлиши, касб-ҳунар эгаллаши оила бахти, фарзандлар камоли учун, шу асосда бутун жамият равнақи учун хизмат қилади”.

Шавкат Мирзиёев

5 ЙИЛЛИК СТАЖЛИЛАР УЧУН 500 ТА КВОТА:

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан 5 йиллик стажга эга, олий маълумотли бўлмаган хотин-қизларга тавсияномалар берилади.

Тавсияномани ўзи ўқишга киришни кафолатламайди. Уни олган хотин-қизлар ҳам ҳамма абитуриентлар каби имтиҳон топширади, фақат уларнинг бали алоҳида квота доирасида ҳисобланади.

Энг юқори балл тўплаган 500 абитуриент талабаликка тўлов-контракт асосида қабул қилинади.

ТАВСИЯНОМА КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

Мутахассислиги бўйича давлат органлари ва ташкилотларда камида беш йил меҳнат стажи мавжуд, бироқ олий маълумотга эга бўлмаган ҳамда давлат олий таълим муассасаларига кириш истагида бўлган хотин-қизларга

ТАВСИЯНОМА ОЛИШ УЧУН ТАЛАБГОР ҚАНДАЙ МЕЗОНЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШИ КЕРАК?

Ўрта-махсус ёки профессионал таълим бўйича мутахассисликка эга бўлиши

Тавсиянома олгунга қадар олий таълим олмаганлиги ёки олмаётганлиги

Ўрта-махсус ёки профессионал таълим мутахассислиги бўйича беш йиллик меҳнат стажига эга бўлиши

!

ТАВСИЯНОМА ОЛИШ УЧУН ТАЛАБГОРЛАР ЮҚОРИДАГИ МЕЗОНЛАРНИНГ БАРЧАСИГА МУВОФИҚ КЕЛИШИ КЕРАК.

**ОИЛА КИЧИК ВАТАН,
ОИЛА ТИНЧ БЎЛСА,
БАХТЛИ БЎЛСА,
ВАТАН ТИНЧ БЎЛАДИ.**

ОИЛАНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ МУҲИТИНИНГ ИНДИКАТОРЛАРИ

- ТОТУВЛИК ДАРАЖАСИ
- ВАТАНПАРВАР-ЛИК ДАРАЖАСИ
- МАСЪУЛЛИК ДАРАЖАСИ
- ДАХЛДОРЛИК ДАРАЖАСИ
- ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ ДАРАЖАСИ
- ИСЛОҲОТЛАР-ДАН ХАБАРДОРЛИК ДАРАЖАСИ
- ҲАЁТДАН РОЗИЛИК ДАРАЖАСИ
- ТУРМУШ МАДАНИЯТИ ДАРАЖАСИ
- ТАДБИРКОРЛИК ДАРАЖАСИ
- МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ ДАРАЖАСИ
- ТАШАББУСКОР-ЛИК ДАРАЖАСИ

Никоҳ барқарорлигига таъсир этувчи никоҳгача бўлган омиллар

- **ИЖОБИЙ ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР:**

- никоҳланувчиларнинг олий маълумоти
- оиланинг умумий ижтимоий аҳволи
- бир-бири ҳақидаги биринчи ўзаро ижобий таассуротлар
- иш, ўқиш шароитида танишув
- ғамхўрлик
- никоҳ тузиш ташаббусининг эркак киши томонидан берилиши
- никоҳни рўйхатга олишнинг тўй маросими билан кузатилиши.



- **САЛБИЙ ТАЪСИР ЕТУВЧИ ОМИЛЛАР:**

- эркак ва аёлларнинг эрта никоҳга кириши
- никоҳга кеч кириш
- аёл ёшининг эридан катта бўлиши
- тўлиқ бўлмаган оилада тарбия топиш
- бўлғуси эр-хотинларда ака-ука, опа-сингилларнинг йўқлиги
- танишув давридаги муносабатларнинг мустаҳкам эмаслиги
- ота-оналарнинг никоҳга салбий муносабати

Никоҳ барқарорлигига таъсир еътувчи никоҳ давридаги омиллар

- **ИЖОБИЙ ТАЪСИР ЕТУВЧИ ОМИЛЛАР**

- оилада ота-оналарнинг мавжудлиги
- асосий оилавий муаммоларни биргаликда ечиш
- эр-хотиннинг бўш вақтини биргаликда ўтказиши
- ҳаётнинг турли жабҳаларида низоларнинг камлиги
- эр-хотин бир-бирини ҳурмат қилиши



- **САЛБИЙ ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР:**

- Эр ёки хотиннинг спиртли ичимликлар истеъмол қилиши
- эр ёки хотиннинг ахлоқий камчиликларининг мавжудлиги
- оилада бир-бирини қўллаб-қувватлашнинг йўқлиги
- оилага ота-онанинг салбий муносабати.

Оилавий ажралишларнинг оқибатлари:

Жамият учун

Нотўлиқ оилалар сони кўпаяди, оилалараро ёки қариндошлараро муносабатлар бузилади, бир жинснинг иккинчи жинсга нисбатан нафрати пайдо бўлади, шахснинг ижтимоий фаоллиги сусаяди

01

Эркак учун

Ёлғизлик ҳиссининг ортиши, гиёҳвандлик ва ичкиликка берилиши, турли касалликларга чалиниши юзага келади

02

Аёллар учун

Ёлғизликни ҳис қилишнинг ортиши, қайта оила қуриш имкониятининг чекланганлиги, асабийлашишлар, руҳий зўриқишлар, турли хасталикларга дуч келиши, ўз жонига қасд қилиш ҳоллари кузатилиши мумкин

03

Ажралиш бир оилада кузатилса-да, унинг таъсири шу оилага яқин бўлган бир неча оилаларнинг парокандаликка учрашига, тинчлигининг бузилишига сабаб бўлади.

Оилавий ажралишларнинг оқибатлари:

01

ёш авлоднинг сифатли таълим олиши бузилади

02

ёлғиз оталар сони ортади

03

ёлғиз ота ёки она оилаларининг кўпайиши ёш авлодни кўпайтириш ва тарбиялаш сифатига салбий таъсир кўрсатади

04

ажралишдан кейин болалар онаси билан ва ота-боболарининг етарли молиявий кўмагисиз қолиб кетади

05

нотўлиқ оилалар юзага келади

06

вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кўпаяди

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ

Маҳалла фаолиятини такомиллаштиришга оид тавсиялар



Маҳалла (кўчалар) кесимида оила барқарорлигига салбий таъсир кўрсатаётган ички ва ташқи таҳдидларни ўрганиш ва даражаларини харитада акс эттириш



Оилаларда маънавий муҳитни соғломлаштиришда барча масъуллар фаолиятини такомиллаштириш бўйича инновацион методларни ишлаб чиқиш



Ўрганилаётган маҳалла(кўча, оила)нинг аниқ демографик картасини яратиш: аҳоли сони (эркаклар, аёллар, вояга етмаганлар), оилалар сони (тўлиқ оилалар, нотўлиқ оилалар), оилалар салоҳияти ва тоифаси (зиёли оила, аралаш оила, ҳунарманд оила), касб-ҳунарга эга бўлмаган (бандлик муаммоси), носоғлом турмуш тарзини юритувчи (дунёқарашга кўра), маънан қашшоқ оилалар рўйхатини аниқлаш



Тизимли мониторингини амалга ошириш натижасида аниқланган таҳдид (ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган ёки мойил бўлган, ижтимоий-маънавий кўмакка муҳтож, нотинч ва ноқобил оилалар, миллий қадриятларга дахлсизлик) даражаларидан келиб чиқиб, масъулларнинг маҳалла ва оилаларда барқарор ижтимоий, маънавий муҳитни қарор топтиришда функционал вазифаларини аниқлаштириш ва уларни ҳамкорликда ишлаш методикасини ишлаб чиқиш



Маҳаллада ижтимоий адаптация субъектлари билан ишлаш



Маҳалла муҳитини соғломлаштиришда мақсадли ва манзилли ишлаш механизимининг қуйи босқичида “Фидокор ёшлар”, ўрта босқичда “Ота-оналар университети”, юқори босқичда “Кексалар маслаҳати” жамоатчилик гуруҳлари вакиллари ҳамкорлигида оилада отанинг (эркак) ўрни ва ролини оширишга манзилли ташриф методик дастурларини ишлаб чиқиш.

“Шукроналик” методи

Шукуроналик туйғусини шакллатириш ва амалда қўллаш





- Маҳалла мутасаддилари фаолиятида танқидий ва ижодий фикрлашни ривожлантириш усулларидан фойдаланиш мантиқий фикрлашини ривожлантиради ва уларнинг маҳалладаги фаоллигини оширишга хизмат қилади.
- Маҳалла мутасаддилари ўз фаолиятида турли қизиқарли масалаларнинг ўринли қўлланилиши муҳим аҳамият касб этади (сабаби: инсон ниманидир тушунишига зарурат туғилганида фикрлай бошлайди) ва фаолиятига оид ҳар бир масала ечими устида жиддий ва танқидий мулоҳаза юритишга (ҳар бир оиланинг муаммосига ижодий ёндашиш, фикр юритиш учун имконият бериш, масъулиятни сезиш) ўргатади. Бунда танқидий фикрлаш, мулоқот, ижодкорлик, ҳаракатчанлик каби хусусиятлари такомиллашиб боради.

1. Хотин-қизлар фаолининг асосий вазифалари:

Хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, таълим олиш ва ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган ишларни ташкил этиш

(Ҳар ойда бир маротаба мактабдаги ўқувчи қизлар билан учрашиб, уларнинг таълим олишга қизиқишини оширади)

Хотин-қизлар ўртасида репродуктив саломатлик қоидаларини, “Соғлом оила – соғлом жамият” тамойилини, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришни, эрта туғруқ, исталмаган ҳомиладорликнинг, яқин қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳнинг олдини олишга оид ишларни кенг тарғиб қилиш ва спортни оммалаштириш

Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, касбга ўқитиш, оилавий ва хусусий тадбиркорликка жалб этишга ҳамда ҳунармандлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш

(Ҳар ойда камида 5 нафар маҳалладаги хотин-қизларни тадбиркорлик, касаначилик ва ҳунармандчиликка жалб қилишга кўмаклашади)

Миллий ва маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, оилаларни мустаҳкамлаш, ундаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, низоли ва зўравонликка мойил, зиддиятли оилалар билан ишлаш, мутасадди ташкилотлар билан биргаликда хотин-қизларнинг радикал оқимлар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олиш

(Ҳар ойда камида 20 та оилага кириб, оилавий қадриятларни тарғиб этади ва никоҳларнинг қонунийлигини таъминлайди. Маҳаллада ҳар ойда ажрим ёқасига келиб қолган ва низоли оилаларнинг 5 тасини соғлом турмуш тарзига қайтаради)

Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашиш, хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ушбу муаммолар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларга мурожаат қилиш, ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатишни ижтимоий ходим билан ташкил этиш.

(Ҳар ойда камида 10 нафар оғир ижтимой вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатишни ташкил этади)

Хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, ундан жабрланганларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ишларини ташкил этиш, ижтимоий профилактика ва мослаштириш ишларида ҳамкорлик қилиш, тазйиқ ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратишда иштирок этиш

(Ҳар ойда бир маротаба жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган хотин-қиздар хонадонига бориб, муаммосини ўрганади.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини аниқлайди ва профилактика инспекторига хабар беради)

Хотин-қизлар масалалари бўйича маҳалладаги “еттилик” билан иш олиб бориш, мутасадди ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

2024 ЙИЛ I ЧОРАГИ БЎЙИЧА ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИНИНГ ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ($KPI_{х/қ.ф.}$)

№	Кўрсаткич номи	Кўрсаткични ҳисоблаш усули*	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичларни киритишга масъул орган	Балл
1	Хотин-қизлар баланси	Хотин-қизлар балансининг сифати	фоиз	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси	15
2	Оғир ижтимоий аҳволдаги хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш	"Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлардан манзилли ёрдамлар кўрсатилган хотин-қизлар улуши	фоиз		15
3	Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш	Ишлаш истаги мавжуд меҳнатга лаёқатли хотин-қизлар сонидан бандлиги таъминланган хотин-қизларнинг улуши	фоиз		10
4	Жиноятчиликни камайтириш	Хотин-қизлар жинояти даражасини ўтган йилга нисбатан пасайиш даражаси (100 нафар аёлга нисбатан)	промилле	Ички ишлар вазирлиги	15
5	Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш	Ижтимоий кўмакка муҳтож хотин-қизларга кўрсатилган ёрдамлар(ижтимоий профилактика)	фоиз		10
		Қайд этилган ажримларнинг ўтган йилга нисбатан камайиш даражаси (100 та оилага нисбатан)	промилле	Адлия вазирлиги	15
		Умумий статистик кўрсаткич $KPI_{стат}$			**80***
6	Сўровнома	Маҳаллага (ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотлар, аҳоли) келиб тушган топшириқлар, хатлар ва бошқа ҳужжатларнинг тегишлилиги бўйича ўз вақтида бажарилганлиги даражаси	факт ва нисбий	Маҳалла раиси	10
		Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этганлиги			5
		Иш режими талабларига риоя этганлиги (табель)			5
		$KPI_{х/қ.ф.}$ бўйича жами:			**100**

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ